

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ҒУЛОМОВ ХУМОЮН АБДУВАХОБ ЎҒЛИ**

**ГИС ТУТАМИ ЧАП ОЁҚЧАСИ ТЎЛИҚ ҚАМАЛИ БЎЛГАН  
ДИЛАТАЦИОН КАРДИОМИОПАТИЯ БИЛАН ОҒРИГАН  
БЕМОРЛАРДА ЗАМОНАВИЙ БИОМАРКЕРЛАР АҲАМИЯТИ ВА  
ФАРМАКОТЕРАПИЯ САМАРАДОРЛИГИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Гуломов Хумоюн Абдувахоб ўғли**

Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали бўлган дилатацион кардиомиопатия билан оғриган беморларда замонавий биомаркерлар аҳамияти ва фармакотерапия самарадорлиги..... 3

**Гуломов Хумоюн Абдувахоб углы**

Значение современных биомаркеров и эффективность фармакотерапии у больных дилатационной кардиомиопатией с блокадой левой ножки пучка Гиса. .... 31

**Gulomov Khumoyun Abduvakhob ogli**

The significance of modern biomarkers and the effectiveness of pharmacotherapy in patients with dilated cardiomyopathy with left bundle branch block. .... 61

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work..... 67

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ҒУЛОМОВ ХУМОЮН АБДУВАХОБ ЎҒЛИ**

**ГИС ТУТАМИ ЧАП ОЁҚЧАСИ ТЎЛИҚ ҚАМАЛИ БЎЛГАН  
ДИЛАТАЦИОН КАРДИОМИОПАТИЯ БИЛАН ОҒРИГАН  
БЕМОРЛАРДА ЗАМОНАВИЙ БИОМАРКЕРЛАР АҲАМИЯТИ ВА  
ФАРМАКОТЕРАПИЯ САМАРАДОРЛИГИ**

**14.00.06 – Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib 4247 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cardiocenter.uz](http://www.cardiocenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Абдуллаев Тимур Атаназарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Тулабаева Гавхар Миракбаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Носир Мухамеджанович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: [info@cardiocenter.uz](mailto:info@cardiocenter.uz))

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.

**Р.Д.Курбанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

**Г.У.Муллабаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

**А.Б.Шек**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) – полиэтиологик миокард касаллиги бўлиб, прогнози ноҳушлиги, юқори тарқалиш даражаси ва мутлақо специфик симптомларнинг йўқлиги билан тавсифланади. Ушбу патологиянинг долзарблиги, айниқса меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўртасида кенг тарқалганлиги, юрак етишмовчилиги, тўсатдан юрак ўлими (ТЮЎ) ривожланиш хавфининг юқорилиги билан боғлиқ. Европа Кардиологлар Жамияти маълумотларига кўра, «...ДКМП тарқалиши йилига ҳар 100 000 аҳолига 2—13 дан 36 та ҳолатгача ўзгаради...»<sup>1</sup>. Ушбу касалликдан йилига ўлим ҳолати 7—14% даражасида тебраниб туради. Замонавий кардиологияда эришилган ютуқларга қарамасдан, ДКМПда прогноз ҳанузгача қониқарсиз бўлиб қолмоқда, чунки касаллик бошланғич босқичларида симптомлар носпецифик бўлганлиги сабабли касалликни эрта ташҳисоти мураккаб ҳисобланади. Шу боис, ДКМПга чалинган беморларнинг ташҳисоти, даволаш ва мониторинг усуллари доимий такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Жаҳонда дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) билан оғриган беморларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш усуллари такомиллаштириш борасида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда. ДКМПда кўп ҳолларда Гис тутами чап оёқчаси қамали (ГТЧОҚ) кузатилиб, у юрак ичи гемодинамикасининг бузилиши ва чап қоринчанинг дисфункцияси билан боғлиқ ноҳуш оқибатлар хавфини оширади. Сўнгги йилларда биомаркерларни ўрганиш ДКМП патогенезини яхшироқ тушуниш ва касаллик прогнозини баҳолаш имконини бермоқда. NT-proBNP, тропонинлар, галектин-3 ва ST2 каби биомаркерлар хавф стратификацияси, мониторингда ва терапия самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, энг самарали биомаркерларни аниқлаш, индивидуаллаштирилган даволашни шакллантириш ва уларнинг прогнозга таъсирини баҳолаш каби масалалар ҳануз долзарблигича қолмоқда. Шу сабабли, ДКМП ва ГТЧОТҚ мавжуд беморларда биомаркерларнинг аҳамиятини ўрганиш замонавий кардиологиянинг муҳим йўналишларидан биридир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва тиббий хизматни жаҳон стандартларига мослаштириш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, юрак-қон томир касалликларини эрта аниқланиши ва самарали даволаниши орқали уларнинг асоратлари ва ўлим ҳолатларини камайтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кардиология йўналишида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги ва сифати янада оширилиб, замонавий юқори технологияли ташҳиллаш ва даволаш усуллари жорий этилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегияси” аҳолига

---

<sup>1</sup> Pilot Registry: EURObservational Research Programme of the European Society of Cardiology. Eur Heart J. 2016;37(2):164-173.

малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган. Шу муносабат билан, юрак-қон томир касалликларида тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш, даволашни оптималлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун инновацион технологияларни жорий этиш натижасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларини олдини олиш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида»<sup>2</sup> ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чоратадбирлар», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунда дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ камали (ГТЧОТҚ) билан асоратланиши клиник кардиологияда долзарб муаммо бўлиб, фаол ўрганилмоқда. Кўплаб тадқиқотларда ДКМП билан оғриган беморларда ГТЧОТҚ мавжудлиги кучли систолик дисфункция, салбий прогноз ва юқори госпитализация ҳолатлари билан боғлиқ экани аниқланган. Шунга қарамасдан, мавжуд маълумотларга қарамай, бу ҳолатнинг патогенези, прогнозни баҳолаш ва самарали даволашга оид бир қатор жиҳатлар ҳали тўлиқ ўрганилмаган. R. Dhingra ва бошқалар ишларида QRS комплекси кенгайиши ва сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ривожланиш хавфи ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли боғлиқлик аниқланган (Lee S, McCulloch C, Mangat I., 2003). Кўплаб йирик рандомизация қилинган назоратли тадқиқотлар- COMPANION, MADIT CRT, RAFT ва CARE-HF мета-анализи шунга ишора қилганки, турли хил юрак ичи ўтказувчанлиги бузилишлари бўлган беморлар орасида айнан, ГТЧОҚ бўлган ҳолатларда КРТдан энг катта самара кўрсатган (Sipahi I, Carrigan TP, Rowland DY. 2011). Адабиётлар маълумотларига кўра, тахминан 30% беморларда КРТга ижобий жавоб бермайди, шу боисдан КРТга ижобий жавоб предикторларини аниқлаш учун фаол изланишлар олиб борилмоқда (Dhesi S, Lockwood E, Sandhu RK. 2017). Кўпчилик тадқиқотлар беморларнинг бошланғич клиник ва функционал хусусиятларини баҳолаш, КРТга жавоб

<sup>2</sup> 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида»ги фармони.

бериш билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш ва ўтказилаётган терапиянинг самарадорлигини баҳолаш учун прогностик моделларни яратишга қаратилган.

КРТга терапиясига ижобий жавоб бермаслик миокарднинг оғир даражали фибрози ёки бошқа структуравий ўзгаришлар билан боғлиқ. Maisel ва ҳамкасблари (2020) тадқиқоти биомаркерлар, масалан, sST2 ва NT-proBNP дан фойдаланиш, КРТдан энг катта самара оладиган беморларни аниқлашга ёрдам беришини кўрсатган (Maisel AS, et al. 2020). Ҳозирги кунда СЮЕни даволаш учун ишлатилаётган деярли барча замонавий препаратлар нейрогуморал ҳолатга таъсир кўрсатади ва нафақат юрак тўқимаси архитектоникасининг тикланишини (юрак ҳажмининг ва ЧҚ гипертрофиясининг камайиши), балки электр ўтказувчанликнинг тикланишини ҳам таъминлаб, нормал ҳолатига қайтишга олиб келиши мумкин (Cioffi G., Tarantini L., De Feo S. et al. 2005).

Бизнинг Республикамизда ДКМП муаммоси юзасидан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази “Юрак етишмовчилиги ва миокарднинг нокоронаген касалликлари” лабораторияси раҳбари профессор Абдуллаев Т.А. қўл остида фаол изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда ДКМП кечиш хусусиятлари, этиологик омиллари, беморлар ҳаёт прогнози бўйича (Курбанов Н.А. 2018-й) ишлар якунланган.

Лекин адабиётлар шарҳи шуни кўрсатадики, ДКМП ва ГТЧОТҚ мавжуд беморларда морфофункционал бузилишлар даражасини акс эттирувчи ишончли биомаркерларни излаш замонавий клиник кардиологиянинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Биомаркерлар профилини инструментал диагностика маълумотлари билан биргаликда комплекс баҳолаш нафақат касалликнинг субклиник шакллари билан барвақт аниқлашга, балки хатар даражасини аниқроқ стратификация қилишга, касалликнинг келгуси кечиши бўйича башорат беришга ва даво тактикасига шахсий ёндашувни таъминлашга имкон беради. Юқоридаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу илмий ишнинг танланган йўналиши жуда долзарб ва эҳтиёжга эга, аммо шу билан бирга кам ўрганилган деб хулоса қилиш мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида ПЗЗ-2017-0912920 ПЗ-202007255 «Дилатацион, перипортал ва гипертрофик кардиомиопатияларни дифференциал даволаш технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилди (2022-2024йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали бўлган, чап қоринча отиш фракцияси пасайган дилатацион кардиомиопатия беморларда юрак етишмовчилиги биомаркерларининг (ST2, НУП) юрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини ўрганиш ва замонавий фармакотерапия самарадорлигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дилатацион кардиомиопатия ва Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали бўлган беморларда юрак етишмовчилиги биомаркерлари ва касалликнинг клиник кечиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

ушбу беморларда юрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари ва юрак етишмовчилиги биомаркерлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

4 компонентли замонавий фармакотерапия фонида Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали бўлган беморлар юрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари динамик ўзгаришларни яқин ва 2 йиллик муддатларда аниқлаш;

ушбу беморларда 2 йиллик ҳаёт прогнозини баҳолаш ва касалликнинг ноҳуш оқибатлари предикторларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** РИКИАТМ “юрак етишмовчилиги ва миокарднинг нокоронар касалликлари бўлимига мурожаат қилиб келган 102 нафар ДКМП билан оғриган, ЧҚОФ < 40% бўлган беморлар клиник маълумотлари ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида дилатацион кардиомиопатия билан оғриган беморлар умумий клиник, лаборатор ва функционал текширувлар маълумотлари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда клиник, асбобий, визуал, лаборатор ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор дилатацион кардиомиопатия билан оғриган беморларда NTproBNP ва sST2 концентрацияларининг клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) ҳамда 6 дақиқалик юриш тести (6ДЮТ) натижаларига асосланган жисмоний юкламаларга толерантлик даражаси билан мусбат корреляцияси аниқланган;

илк бор ушбу беморларда миокард электрик диссинхрония даражаси ҳамда ремоделланиш ўртасидаги патофизиологик боғлиқликни акс эттирувчи ассоциация: sST2 ва NTproBNP концентрациялари ортиши билан QRS комплекси давомийлиги параллел ортиши аниқланган;

дилатацион кардиомиопатия ва Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали билан оғриган беморларда чап қоринчанинг ремоделланиш хусусиятлари, ҳамда, ушбу беморларда замонавий квадротерапия самарадорлиги яқин ва узоқ муддатларда аниқланган;

илк бор дилатацион кардиомиопатия ва Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали билан оғриган беморларда ҳаёт прогнозини баҳолаш ва касалликнинг ноҳуш оқибатларини олдиндан башорат қилиш учун аниқ предикторлар-КХБШ > 7 балл, NTproBNP > 4475 пг/мл, sST2 > 36,6 нг/мл, ОДХ > 227 мл, ОСХ > 200 мл ва QRS > 112 мс аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дилатацион кардиомиопатия (ДКМП) ва ГТЧОТҚ бўлган беморларда NTproBNP ва sST2 даражаларини баҳолашни жорий этиш хавфни аниқроқ стратификация қилишга ёрдам беради: бу ҳолатда NTproBNP юқори сезгирликка эга бўлса, sST2 юқори спецификликка эга эканлиги аниқланган;

ушбу беморларда sST2 даражаси ва QRS комплекси давомийлиги ўртасидаги мусбат боғлиқлик аниқланган, бу эса миокард фибрози даражасини баҳолаш ва электрофизиологик даволаш усуллари, жумладан, кардиоресинхронизацион терапияси (КРТ) масаласини ҳал қилишда қўшимча омил сифатида хизмат қилади;

ДКМП ва ГТЧОТҚ бўлган беморларда касалликнинг ноҳуш оқибатлари хавфини объектив баҳолаш имконини берувчи предикторлар аниқланган ва асосланган. Ушбу беморларда хавф даражасини стратификациялаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони этарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар дилатацион кардиомиопатиянинг (ДКМП) клиник кечиши оғирлиги ва прогнозини баҳолашда комплекс ёндашувни амалга оширишга хизмат қилган бўлиб, NT-proBNP ва sST2 биомаркерларининг юрак етишмовчилиги оғирлик даражасини стратификация қилишдаги дифференциал аҳамияти илмий жиҳатдан асослаб берилди, электрофизиологик кўрсаткичлар (QRS комплекси давомийлиги) билан миокард фибрози даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланди, шунингдек, Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали билан асоратланган ДКМП беморларда ROC-таҳлил асосида юқори прогностик қийматга эга бўлган объектив хавф стратификацияси шкаласи ишлаб чиқилиб, бу ҳолат ушбу тоифадаги беморлар учун персоналлаштирилган даволаш тактикасини танлаш имкониятини таъминлайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ушбу оғир беморлар гуруҳи учун ишлаб чиқилган объектив прогностик моделни клиник амалиётга жорий этиш беморларнинг бошқарув тактикасини персоналлаштириш, зарур даволаш чораларини ўз вақтида тайинлаш ва шу билан бирга, беморларнинг шифохонагача бўлган оғирлашувини эрта аниқлаш ва ҳаёт прогнозини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025-йил 22-майдаги 18- сонли йиғилиш баённомасига асосан Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича №18/20 сонли хулосасига биноан:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор дилатацион кардиомиопатия билан оғриган беморларда NTproBNP ва sST2 концентрацияларининг клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) ҳамда 6 дақиқалик юриш тести (6ДЮТ)

натижаларига асосланган жисмоний юкламаларга толерантлик даражаси билан мусбат корреляцияси аниқланган бўлиб, ушбу ташҳис қўйиш тактикаси бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023-йил 16 мартдаги 1-сон баённома билан тасдиқланган «Сурункали юрак етишмовчилигида замонавий биомаркерларнинг клиник аҳамияти» услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Қарши филиалига 10.09.2024-йилдаги 56 т - сонли буйруқ, ҳамда, Фарғона вилояти минтақавий филиалига 06.11.2024-йилдаги 36 – сонли буйруқ билан жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: Шундай қилиб, ижтимоий самарадорлик беморлар учун прогностни яхшилаш, уларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва касалхонага ётқизилишлар сони ҳамда стационарда бўлиш муддатини камайтириш орқали соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган юкни пасайтиришдан иборат. Иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: СЮЕ билан оғриган беморларни биомаркерлар кўрсаткичларига асосланган ҳолда олиб бориш натижасида йиллик шифохонага ётқизилиш сони камайишига, шу билан бирга, беморларнинг стационар даволаниш кунлари сони камайишига эришилади. Агар шифохонада 1 кунлик ётоқ куни нархи 247000 сўм бўлса, 10 кун даволаниш 2470000 сўм бўлади, СЮЕ медикаментоз давоси учун кунига ўртача 150000- 200000 сўм сарфланишини ҳисобга олсак, 10 кун учун 1500000- 2000000 сўм бўлади, СЮЕ ташхислаш учун эса 1 беморга ўртача 1500000- 2000000 сўм сарфланади.

*иккинчи илмий янгилик:* илк бор ушбу беморларда миокард электрик диссинхрония даражаси ҳамда ремоделланиш ўртасидаги патофизиологик боғлиқликни акс эттирувчи ассоциация: sST2 ва NTproBNP концентрациялари ортиши билан QRS комплекси давомийлиги параллел ортиши аниқланган бўлиб, ушбу ташҳис қўйиш тактикаси бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023-йил 16 мартдаги 1-сон баённома билан тасдиқланган «Сурункали юрак етишмовчилигида замонавий биомаркерларнинг клиник аҳамияти» услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Қарши филиалига 10.09.2024-йилдаги 56 т - сонли буйруқ, ҳамда, Фарғона вилояти минтақавий филиалига 06.11.2024-йилдаги 36 – сонли буйруқ билан жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: ST2 даражаси юрак етишмовчилигининг кечишини прогност қилишда юқори спецификликка эга бўлгалигини инобатга олиб, ушбу биомаркер бемор ҳолатини мониторинг қилиш учун янада объектив маркер сифатида тавсия этилиши мумкин. QRS комплекси давомийлиги ва sST2 даражаси ўртасидаги аниқланган боғлиқлик КРТга бўлган кўрсатмаларни кенгайтириш ва индивидуаллаштирилган даволаш услубини ўз вақтида танлаш имконини бериши мумкин. Иқтисодий самарадорлиги: ДКМП билан оғриган

беморларда СЮЕ кечишини прогнозлашда sST2 биомаркеридан фойдаланиш беморлар ҳолатининг шифохонагача оғирлашувини эрта аниқлаш имконини беради. Бунинг натижасида СЮЕ декомпенчацияси сабабли госпитализациялар сони камайишига ва беморларнинг шифохонада даволаниш кунлари камайишига эришилади. Бунинг натижасида СЮЕ даволаш учун сарфланадиган ҳаражатларни инобатга олганда ҳар бир бемор учун йилига 1030000 сўм тежаш имконини беради.

*учинчи илмий янгилик:* дилатацион кардиомиопатия ва Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали билан оғриган беморларда чап қоринчанинг ремоделланиш хусусиятлари, ҳамда, ушбу беморларда замонавий квадротерапия самарадорлиги яқин ва узоқ муддатларда аниқланган бўлиб, ушбу даволаш тактикаси бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023-йил 16 мартдаги 1-сон баённома билан тасдиқланган «Сурункали юрак етишмовчилигида замонавий биомаркерларнинг клиник аҳамияти» услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Қарши филиалига 10.09.2024-йилдаги 56 т - сонли буйруқ, ҳамда, Фарғона вилояти минтақавий филиалига 06.11.2024-йилдаги 36 – сонли буйруқ билан жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: ГТЧОТҚ бўлган беморларда СЮЕ оптимал медикаментоз терапиясига қарамай, юрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари ва жисмоний юкламаларга толерантликнинг ёмонлашиши кузатилди, бу эса юрак ичи ўтказувчанлиги бузилиши СЮЕнинг кучайишига олиб келиши мумкинлигини тасдиқлайди ва ГТЧОТҚ бўлган беморларда КРТни эрта кўриб чиқиш зарурлигини асослайди. Электрокардиографик ва биокимёвий маркерларга асосланган персоналлаштирилган терапия усули даволаш самарадорлигини ошириш ва касалликнинг ривожланишини секинлаштириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ДКМП билан оғриган беморларда электрокардиографик ва биомаркерларга асосланган персоналлаштирилган терапия усули қайта госпитализация ҳолатларини камайтиради, бу эса йилига ҳар 100 бемор учун 53000000 сўм, ёки 1 нафар беморга 530000 сўмгача тежаш имконини беради.

*тўртинчи илмий янгилик:* илк бор дилатацион кардиомиопатия ва Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали билан оғриган беморларда ҳаёт прогнозини баҳолаш ва касалликнинг ноҳуш оқибатларини олдиндан башорат қилиш учун аниқ предикторлар- КХБШ > 7 балл, NTproBNP > 4475 нг/мл, sST2 > 36,6 нг/мл, ОДХ > 227 мл, ОСХ > 200 мл ва QRS > 112 мс аниқланган бўлиб, ушбу ташҳис қўйиш тактикаси бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт маркази мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023-йил 16 мартдаги 1-сон баённома билан тасдиқланган «Сурункали юрак етишмовчилигида замонавий биомаркерларнинг клиник аҳамияти» услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган кардиология

илмий амалий тиббиёт маркази Қарши филиалига 10.09.2024-йилдаги 56 т - сонли буйруқ, ҳамда, Фарғона вилояти минтақавий филиалига 06.11.2024-йилдаги 36 – сонли буйруқ билан жорий қилиш далолатномасига асосан амалиётга жорий этилган. Ижтимоий самарадорлиги: Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган прогнозлаш мезонлари ДКМП ва СЮЕ бўлган беморларда касалликнинг ноҳуш оқибатлари хавфини объектив баҳолаш имконини беради. Аниқланган предикторларни клиник амалиётга жорий этиш беморларнинг бошқарув тактикасини персоналлаштириш, зарур даволаш чораларини ўз вақтида тайинлаш ва шу билан бирга, касалликнинг узок муддатли оқибатларини яхшилаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: ДКМП ва ГТЧОТҚ мавжуд беморлар учун ишлаб чиқилган ноҳуш оқибатларни прогнозлаш алгоритми ва персоналлаштирилган даволаш стратегиясини танлаш орқали ҳар бир бемор учун 1380000 сўм, 100 бемор учун эса 138000000 сўм тежашга эришилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилигида дилатацион кардиомиопатиянинг ўрни, замонавий ташхислаш усуллари, биомаркерлар аҳамияти ва даволаш ёндашувлари**» номли биринчи боби тўрт кичик бўлимдан иборат бўлиб, СЮЕ охириги эпидемиологик тадқиқотларга кўра тарқалиши, асосий этиологик омиллари, ДКМП тарқалиши, ривожланиш механизмлари, СЮЕ кечишида Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамалининг (ГТЧОТҚ) ўрни, касалликнинг ноҳуш кечишига таъсир қилувчи хавф омиллари, ДКМПда замонавий биомаркерларнинг клиник-прогностик аҳамияти ва ГТЧОТҚ

билан асоратланган ҳолларда СЮЕ медикаментоз терапиясининг ўрни ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Диссертациянинг «Клиник материал ва тадқиқот услубларининг умумий тавсифномаси» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг асосий хусусиятлари, шунингдек изланишда қўлланиладиган диагностика ва тадқиқот усуллари тавсифи берилган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун тадқиқотда ДКМП ташхиси қўйилган юрак етишмовчилиги III-IV ФС (NYHA бўйича) бўлган 102 нафар беморлар иштирок этди.

Ушбу илмий ишнинг амалга оширилиши икки босқични ўз ичига олди: Дастлабки босқич тадқиқотга киритилган беморларнинг QRS комплекси давомийлигига кўра икки гуруҳга ажратган ҳолда, беморларнинг дастлабки клиник-функционал хусусиятларининг таққослама таҳлилидан иборат бўлди.

Тадқиқотимизнинг II босқичи: ҳар икки гуруҳлар беморларида "Юрак етишмовчилигининг ўткир ва сурункали шакллари ташхис қилиш ва даволаш бўйича 2021-йил ESC тавсиялари" га кўра ОФпЮЕнинг 4 компонентли асосий терапияси фонида клиник-функционал, лаборатор кўрсаткичларнинг динамик ўзгаришини ўз ичига олди. Динамик ўзгаришлар 3, 6, 12 ва 24 ойларда баҳоланди ва дастлабки кўрсаткичлар билан таққосланди. Тадқиқотнинг якуний босқичи ДКМП билан оғриган ГТЧОТҚ мавжуд/мавжуд бўлмаган беморларда 2 йиллик ҳаёт прогнозини баҳолаш ва касалликнинг ноҳуш оқибатлари предикторларини аниқлаш эди (1-расм).



1-расм. Тадқиқот дизайни схемаси.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Pentium-IV шахсий компютерида “STATISTICA 6.0” дастурий мажмуасидан фойдаланилган ҳолда статистик ишлов берилди. Ўртача арифметик (M) ва стандарт оғиш (SD) ҳисобланган.

Бизнинг тадқиқот натижаларимиз диссертациянинг кейинги бобларида акс эттирилган. «ДКМП чап қоринча отиш фракцияси пасайган СЮЕ билан оғриган беморлар клиник-функционал тавсифи» деб номланган учинчи бобда ДКМП билан оғриган Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали

бўлган беморлар демографик маълумотлари, СЮЕ кечиши хусусиятлари, функционал-лаборатор кўрсаткичлари, юрак ремоделланиши ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлил шаклида дастлабки клиник маълумотлар тақдим этилган.

Тадқиқотга ДКМП ташхиси қўйилган юрак етишмовчилиги III-IV ФС (НУНА бўйича) бўлган 102 нафар беморлар киритилган. Барча беморларда ЕКЖ 2006-йилги “Кардиомиопатияларни бошқариш” тавсияларидаги мезонларга кўра ДКМП тасдиқланган. Беморларда касалликнинг этиологик сабаблари қуйидагича бўлган: 43 нафарида (42%) оилавий (яқин қариндошларида ушбу касаллик аниқланган), 31 нафарида (30%) яллиғланиш, 26 нафарида (25%) идиопатик, 2 нафарида (2%) тиреотоксик юрак.

Дастлаб тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига кўра жами 102 нафар ДКМП билан оғриган беморлар клиник-гемодинамик ва биохимик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Беморлар QRS давомийлигига кўра 2 гуруҳга ажратилди (I гуруҳ-  $QRS \geq 120$  мс (n=52), II гуруҳ-  $QRS < 120$  мс (n=50)). Гуруҳлараро дастлабки клиник-гемодинамик, демографик кўрсаткичлари таққосланганда (1-жадвал), беморлар ёшига кўра гуруҳлар орасида аҳамиятли фарқ кузатилмади-  $45,45 \pm 13,58$   $42,71 \pm 10,84$  ёш, гуруҳларда мос равишда. Шу билан бирга, I гуруҳда эркаклар 83%ни, II гуруҳда эса 71% ни ташкил этди ( $p=0,1$ ).

### 1-жадвал

Беморларнинг дастлабки клиник-гемодинамик, демографик маълумотлари

Кўрсаткичлар	I гуруҳ ( $QRS \geq 120$ мс) n=52	II гуруҳ ( $QRS < 120$ мс) n=50	p
Ёши	$45,45 \pm 13,58$	$42,71 \pm 10,84$	0,38
Жинси, эркак, n	43 (83%)	35 (71%)	0,1
СЮЕ давомийлиги, йил	$5,53 \pm 3,23$	$3,68 \pm 2,56$	0,02
ТВИ, кг/м <sup>2</sup>	$27,04 \pm 5,08$	$30,11 \pm 4,75$	0,03
САБ мм.сим.уст.	$107,66 \pm 12,6$	$111,46 \pm 12,59$	0,30
ДАБ мм.сим.уст.	$70,85 \pm 7,12$	$72,68 \pm 7,92$	0,39
б-ДЮТ, м	$93,53 \pm 56,53$	$153,46 \pm 75,14$	0,001
КХБШ, балл	$8,76 \pm 1,71$	$7,54 \pm 1,58$	0,01
ФС (НУНА бўйича)	$3,38 \pm 0,47$	$3,15 \pm 0,37$	0,03

1-жадвалда кўрсатилганидек, I гуруҳда СЮЕ давомийлиги II гуруҳга нисбатан ишончли тарзда узокроклиги аниқланди, гуруҳларда мос равишда  $5,53 \pm 3,23$ ,  $3,68 \pm 2,56$  йил,  $p=0,02$ .

Беморларнинг антропометрик кўрсаткичлари ўрганилганда, ТВИ II гуруҳда I гуруҳга нисбатан ишончли тарзда юқорилиги аниқланди:  $27,04 \pm 5,08$ ,  $30,11 \pm 4,75$  кг/м<sup>2</sup>,  $p=0,03$ . Марказий гемодинамик кўрсаткичларга кўра гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади (1-жадвал).

Дастлабки таққослама таҳлилларга кўра, I гуруҳда СЮЕ клиник кечиши II гуруҳга нисбатан оғирроқлиги аниқланди: беморларнинг жисмоний юкламага толерантлигига (6-ДЮТ) кўра босиб ўтилган масофа I гуруҳда таққослама гуруҳга нисбатан 60 м га кам бўлди ( $p=0,001$ ). КХБШ бўйича  $8,76 \pm 1,71$ ,  $7,54 \pm 1,58$  балл гуруҳларда мос равишда ( $p=0,01$ ). СЮЕ NYHA бўйича ФС статистик ишончли тарзда I гуруҳда  $3,38 \pm 0,47$ , II гуруҳда эса  $3,15 \pm 0,37$  ташкил этди ( $p=0,03$ ).

Дастлабки ЭКГ таҳлилларига кўра, I гуруҳда QRS комплекси давомийлиги  $145,43 \pm 21,91$  мс, II гуруҳда эса  $96,83 \pm 7,68$  мс ни ташкил этди ( $p=0,000$ ). ХМЭКГ таҳлиliga кўра юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилишлари таҳлил қилинганда Лаун бўйича юқори градацияли Қоринчалар экстрасистолиялари (ҚЭ) I гуруҳ беморларда II гуруҳга нисбатан кўп учради: ҚЭ IV Б синф 44% га 24 % ( $p=0,032$ ), гуруҳларда мос равишда, ҚЭ II А синф учраши частотаси ҳар икки гуруҳда деярли бир хил бўлди. Қоринчалар тахикардияси нотурғун пароксизмлари 17,3% га 6,5% ( $p=0,077$ ) гуруҳларда мос равишда.

Тадқиқотга киритилган беморларнинг дастлабки юрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари таққосланганда Гис тутами чап оёқчаси тўлиқ қамали мавжуд беморларда юрак ремоделланиши таққослама гуруҳга нисбатан яққол намоён бўлди. 2-жадвалда кўрсатилганидек, I гуруҳ беморларида ОДЎ ва ОСЎ II гуруҳга қараганда мос равишда 6,8 ва 7,7 % га ( $p=0,02$ ), ОДХ ва ОСХ эса 16,5% ва 18%га ( $p=0,01$ ) юқори бўлди. Митрал копқоқ функционал етишмовчилиги ҳам юрак бўшлиқлари ўлчамларига мос равишда I гуруҳда кучлироқ намоён бўлди: I гуруҳда 3-даражали МР 18%, 2-даражали МР 82% беморларда қайд этилди, II гуруҳда эса мос равишда 10% ва 90%ни ташкил этди.

## 2-жадвал

Гуруҳлараро дастлабки таққослама юрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (QRS $\geq$ 120 мс) n=52	II гуруҳ (QRS<120 мс) n=50	$\delta$ , %	p
ЧБ, мм	$45,7 \pm 4,43$	$45,95 \pm 4,35$	0,5	0,83
ОДЎ, мм	$74,38 \pm 7,63$	$69,29 \pm 7,03$	6,8	0,02

<b>ОСЎ, мм</b>	64,36 ± 7,97	59,39 ± 7,13	7,7	0,02
<b>ОДХ, мм</b>	301,52 ± 70,82	251,7 ± 57,59	16,5	0,01
<b>ОСХ, мм</b>	219,27 ± 58,62	179,88 ± 44,7	18	0,01
<b>ҚАТ, мм</b>	10,12 ± 1,1	10,05 ± 1,33	0,9	0,84
<b>ЧҚОД, мм</b>	10,1 ± 1,07	10,14 ± 1,32	0,4	0,90
<b>ЎҚ, мм</b>	42,51 ± 5,39	39,76 ± 5,31	6,4	0,06
<b>ЧҚММ, г</b>	386,51 ± 91,48	343,47 ± 92	11	0,11
<b>иЧҚММ, г</b>	203,05 ± 48,93	172,36 ± 39,72	15	0,03
<b>ЧҚ ОФ, %</b>	27,03 ± 4,64	28,74 ± 3,69	6	0,12
<b>Е/А</b>	7,65 ± 10,38	1,96 ± 0,61	74,4	0,30
<b>ЎАЎБ, мм.сим.уст.</b>	44,2 ± 9,34	37,51 ± 6,4	15	0,00
<b>МР, даражаси</b>	1,91 ± 0,33	1,88 ± 0,49	1,6	0,81

*ЧБ- чап бўлмача; ОДЎ-оҳирги диастолик ўлчам; ОСЎ-оҳирги систолик ўлчам; ОДХ-оҳирги диастолик ҳажм; ОСХ- оҳирги систолик ҳажм; ҚАТ- қоринчалараро тўсиқ; ЧҚОД-чап қоринча орқа девори; ЎҚ- ўнг қоринча; ЧҚММ-чап қоринча миокард массаси; иЧҚММ- индексланган чап қоринча миокард массаси; ЧҚОФ-чап қоринча отиш фракцияси, ЎАЎБ-ўпка артериясидаги ўртача босим;*

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, Гис тутуми чап оёқчаси тўлиқ қамали мавжуд беморларда юрак ичи структур ўзгаришлари таққослама гуруҳга нисбатан яққол намоён бўлди (2-жадвал).

Тадқиқотга киритилган беморларнинг биокимёвий-лаборатор кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, СЮЕ етишмовчилиги кечишининг оғирлик даражасини, миокарддаги фиброз жараёнининг даражасини намоён қилувчи биомаркерларнинг қондаги концентрацияси I гуруҳда таққослама гуруҳга нисбатан статистик ишончли тарзда юқорилиги аниқланди: NTproBNP концентрацияси I гуруҳда  $11677,04 \pm 7369,11$  пг/мл, II гуруҳда  $4122,59 \pm 2366,85$  пг/мл ( $p=0,00$ ), sST2-  $48,89 \pm 23,84$  нг/мл,  $28,76 \pm 14,1$  нг/мл ( $p=0,04$ ) гуруҳларда мос равишда (3-жадвал). Бундан ташқари I гуруҳда II гуруҳга қараганда гиполипидемия яққол намоён бўлди: Умумий холестерин-  $153,88 \pm 33,47$  мг/дл га  $175,58 \pm 36,07$  мг/дл ( $p=0,03$ ) гуруҳларда мос равишда. Бошқа биокимёвий-лаборатор кўрсаткичлар бўйича гуруҳлар орасида статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади (3-жадвал).

## Гуруҳлараро дастлабки таққослама лаборатор кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (QRS $\geq$ 120 мс) n=52	II гуруҳ (QRS<120 мс) n=50	p
NTproBNP	11677,04 $\pm$ 7369,11	4122,59 $\pm$ 2366,85	0,00
sST2	48,89 $\pm$ 23,84	28,76 $\pm$ 14,1	0,04
CPO	20,11 $\pm$ 21,59	9,5 $\pm$ 8,48	0,19
гемоглобин	129,89 $\pm$ 11,8	129,15 $\pm$ 17,72	0,86
Эритроцитлар	4,69 $\pm$ 0,45	4,82 $\pm$ 0,68	0,40
Қанд миқдори	5,52 $\pm$ 1	5,07 $\pm$ 0,44	0,07
Умумий холестерин	153,88 $\pm$ 33,47	175,58 $\pm$ 36,07	0,03
Триглицерид	102,62 $\pm$ 26,85	147,69 $\pm$ 51,48	0,01
Билирубин умумий	18,91 $\pm$ 6,22	17,58 $\pm$ 7,46	0,56
АСТ	34,19 $\pm$ 20,71	30,38 $\pm$ 13,89	0,54
креатинин	114,87 $\pm$ 33,62	102,78 $\pm$ 17,29	0,21
мочевина	10,04 $\pm$ 3,45	7,43 $\pm$ 1,84	0,00

Кейинги бобда «Гис тутами чап оёқчаси қамали мавжуд эмас/мавжуд бўлган беморларда марказий ва юрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари ва sST2, NTproBNP концентрациялари ўртасидаги боғлиқлик» натижалари таҳлил қилинган. Беморларнинг дастлабки клиник-функционал кўрсаткичлари ва биомаркерлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрганилди. КХБШ ва NTproBNP концентрацияси ўртасида ифодаланган мусбат корреляцион боғлиқлик ( $r=0,44$ ;  $p<0,05$ ), эрувчан ST2 билан эса кучсиз мусбат корреляцион боғлиқлик ( $r=0,30$ ;  $p<0,05$ ) аниқланди. Беморларнинг дастлабки ЭКГ маълумотларига кўра, QRS комплекси давомийлиги ва NTproBNP миқдори ўртасида ифодаланган мусбат ( $r=0,36$ ;  $p<0,05$ ), эрувчан ST2 миқдори билан ҳам мусбат ( $r=0,29$ ;  $p<0,05$ ) корреляцион боғлиқлик аниқланди.

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, NTproBNP концентрацияси ва бўлмача ва қоринчаларнинг бир қанча структур-функционал кўрсаткичлари ўртасида корреляцион боғлиқлик аниқланди: чап қоринча хажмий кўрсаткичлари билан ифодаланган мусбат- ОДЎ ( $r=0,37$ ;  $p=0,01$ ), ОСЎ ( $r=0,36$ ;  $p=0,01$ ), ОДХ ( $r=0,36$ ;  $p=0,01$ ), ОСХ ( $r=0,39$ ;  $p=0,01$ ), ЧБ хажми ( $r=0,12$ ;  $p=0,01$ ) ва ЧКММ ( $r=0,24$ ;  $p=0,01$ ) билан кучсиз мусбат, ЧҚОФ билан эса ифодаланган манфий корреляцион боғлиқлик аниқланди (4-жадвал).

Биомаркерлар ва юрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари ўртасидаги  
корреляцион боғлиқлик

Кўрсаткичлар	NTproBNP r	p	sST2 r	p
ЧБ, мм	0,12	P=0,2486	0,15	P=0,3497
ОДЎ, мм	0,37	P=0,0003	0,26	P=0,0149
ОСЎ, мм	0,36	P=0,0005	0,25	P=0,0178
ОДХ, мл	0,36	P=0,0005	0,23	P=0,0289
ОСХ, мл	0,39	P=0,0002	0,23	P=0,0296
ЧҚОФ, %	-0,37	P=0,0004	-0,13	P=0,2116
ЧҚММ, гр	0,24	P=0,0249	0,3	P=0,0081
иЧҚММ, гр	0,27	P=0,0189	0,28	P=0,0146

4-жадвалда келтириб ўтилганидек, эрувчан ST2 концентрацияси ва чап коринча хажмий кўрсаткичлари ўртасида ҳам мусбат- ОДЎ ( $r=0,26$ ;  $p=0,01$ ), ОСЎ ( $r=0,25$ ;  $p=0,01$ ), ОДХ ( $r=0,23$ ;  $p=0,03$ ), ОСХ ( $r=0,23$ ;  $p=0,03$ ), ЧБ ( $r=0,15$ ;  $p=0,35$ ), ЧҚММ ( $r=0,3$ ;  $p=0,01$ ), ЧҚОФ билан эса манфий ( $r=-0,13$ ;  $p=0,21$ ) корреляцион боғлиқлик аниқланди.

Юқоридаги натижаларни жамланган ҳолда қайд этиш мумкинки, ушбу биомаркерлар СЮЕ оғирлик даражасини, юрак структур ремодделаниши кучини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Тўртинчи бўлим «ДКМП билан оғриган Гис тутами чап оёқчаси камали мавжуд эмас/мавжуд бўлган беморларда СЮЕ медикаментоз терапия ва унинг клиник-функционал кўрсаткичларга таъсири динамикаси. Беморлар ҳаёт прогнози ва касалликнинг ноҳуш оқибатлари предикторлари» бўлиб, оптимал медикаментоз давонинг беморлар клиник-функционал кўрсаткичларига таъсирини 3, 6, 12 ва 24 ой муддатларда динамик баҳолаш, ушбу беморларда 2 йиллик ҳаёт прогнозини ўрганиш ва касалликнинг ноҳуш оқибатлари предикторларини аниқлашдан иборат бўлди.

Тадқиқотда СЮЕнинг стандарт терапияси қуйидагилардан иборат бўлган: б-адреноблокаторлар (бисопролол, карведилол, метопролол сукцинат), ААФ ингибиторлари/АРА/АРНИ (каптоприл, лизиноприл, сакубитрил/валсартан), МРА (спиронолактон, эплеренон), SGLT2 ингибиторлари (дапаглифлозин, эмпаглифлозин) қўлланилган. Бундан ташқари СЮЕ декомпенсацияси сабабли стационарга ётқизилган беморларга гликозид ёки ногликозид инотроп препаратлар ва қовузлоққа таъсир қилувчи

диуретикларни инфузион қўллаш орқали юклама туширувчи-стимуляцион терапия ўтказилган. Беморлар клиник-функционал ҳолатидан келиб чиқиб препаратларнинг кунлик миқдорлари индивидуал титрлаб борилган. Юқори градацияли қоринчалар аритмиялари бўлган беморларга схема бўйича амиодарон тавсия этилган.

## 5-жадвал

### Гуруҳларда клиник-функционал кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (QRS $\geq$ 120 мс) n=52			II гуруҳ (QRS<120 мс) n=50		
	Дастлаб	1 йилдан сўнг	2 йилдан сўнг	Дастлаб	1 йилдан сўнг	2 йилдан сўнг
САБ, мм.сим.уст.	107,66 $\pm$ 12,6	106,44 $\pm$ 11,58	105,88 $\pm$ 9,51	111,46 $\pm$ 12,59	108,54 $\pm$ 8,69	107,44 $\pm$ 9,18
ДАБ, мм.сим.уст.	70,85 $\pm$ 7,12	69,33 $\pm$ 5,01	69,38 $\pm$ 4,25	72,68 $\pm$ 7,92	69,76 $\pm$ 4,28	70,77 $\pm$ 6,35
ЮҚС, мар/дақ	86,7 $\pm$ 14,03	79,91 $\pm$ 12,88	81,55 $\pm$ 12,11	85,71 $\pm$ 12,35	87,98 $\pm$ 21,04	77 $\pm$ 11,85
6-ДЮТ, м	93,53 $\pm$ 56,53	<b>139,51 <math>\pm</math> 77,86</b> *	<b>125,3 <math>\pm</math> 69,59</b> *	153,46 $\pm$ 75,14	<b>296,76 <math>\pm</math> 91,99</b> *	<b>279,64 <math>\pm</math> 111,71</b> *
КХБШ, балл	8,76 $\pm$ 1,71	<b>8,33 <math>\pm</math> 1,85</b> *	<b>8,63 <math>\pm</math> 1,52</b> *	7,54 $\pm$ 1,58	<b>5,22 <math>\pm</math> 1,72</b> *	<b>5,49 <math>\pm</math> 1,91</b> *

Изоҳ: \*-ишончли  $p < 0,05$ ;

5-жадвалда кўрсатилганидек, СЮЕнинг оптимал медикаментоз давоси фонида ҳар икки гуруҳ беморларида марказий гемодинамик кўрсаткичларда динамикада статистик аҳамиятли ўзгаришлар рўй бермади.

СЮЕнинг 4 компонентли терапияси фонида I гуруҳ беморларида кузатувнинг 1-йилида касалликнинг клиник кечишида яхшиланиш кузатилди (6-ДЮТ-93,53  $\pm$  56,53м динамикада 139,51  $\pm$  77,86м,  $p=0,01$ ; КХБШ- 8,76  $\pm$  1,71балл, динамикада 8,33  $\pm$  1,85 балл,  $p=0,01$ ), лекин олиб борилган оптимал медикаментоз терапияга қарамасдан 2-йил охирига келиб клиник кўрсаткичлар ёмонлаша бошлади (6-ДЮТ-139,51  $\pm$  77,86м, динамикада 125,3  $\pm$  69,59м,  $p=0,01$ ; КХБШ- 8,33  $\pm$  1,85балл, динамикада 8,63  $\pm$  1,52 балл,  $p=0,01$ ). II гуруҳда эса, I гуруҳдан фарқли равишда тадқиқот якунига қадар клиник кўрсаткичлар даврий яхшиланиб бориши кузатилди (6-ДЮТ-153,46  $\pm$  75,14м 1-йил охирида- 296,76  $\pm$  91,99м, 2- йилда 279,64  $\pm$  111,71м,  $p=0,01$ ; КХБШ- 7,54  $\pm$  1,58балл, динамикада 5,49  $\pm$  1,91балл,  $p=0,01$ ).

## Гуруҳларда биокимёвий кўрсаткичлар динамикаси.

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (QRS $\geq$ 120 мс) n=52			II гуруҳ (QRS<120 мс) n=50		
	Дастлаб	1 йилдан сўнг	2 йилдан сўнг	Дастлаб	1 йилдан сўнг	2 йилдан сўнг
NTproBNP, пг/мл	11677,04 $\pm$ 7369,11	7732,66 $\pm$ 5953,4*	8168,77 $\pm$ 4812,01*	4122,59 $\pm$ 2366,85	2889,63 $\pm$ 2663,65*	2026,1 $\pm$ 1878,45*
СРО, мг/л	20,11 $\pm$ 21,59	15,83 $\pm$ 15,69*	14 $\pm$ 10,38	9,5 $\pm$ 8,48	4,79 $\pm$ 2,26*	10,73 $\pm$ 11,24
Креатинин, мкмоль/л	114,87 $\pm$ 33,62	111,08 $\pm$ 21,42*	132,3 $\pm$ 38*	102,78 $\pm$ 17,29	94,1 $\pm$ 18,39*	94,89 $\pm$ 17,15*
Мочевина, ммоль/л	10,04 $\pm$ 3,45	9,34 $\pm$ 2,3*	10,69 $\pm$ 2,31	7,43 $\pm$ 1,84	7,12 $\pm$ 1,63*	7,51 $\pm$ 1,92
АСТ, УЛ	34,19 $\pm$ 20,71	31,53 $\pm$ 15,4	44,85 $\pm$ 31,44	30,38 $\pm$ 13,89	22,25 $\pm$ 8,55*	22,13 $\pm$ 8,13

Изоҳ: \*гуруҳлараро таққосланганда ишончли ишончли  $p < 0,05$ ;

NTproBNP биомаркери СЮЕ билан оғриган беморларда терапия самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бизнинг тадқиқотимизда ҳам ушбу биомаркер терапевтик нишон сифтида таҳлил қилинди. Гис тутами тўлиқ қамали мавжуд бўлган беморларда (I гуруҳ) оптимал медикаментоз терапия фонида ушбу биомаркернинг қондаги концентрацияси кузатувнинг 1- йилида клиник кўрсаткичларга мос равишда пасайиб борди: NTproBNP- 11677,04  $\pm$  7369,11 пг/мл  $\rightarrow$  7732,66  $\pm$  5953,4 пг/мл ( $p < 0,05$ ); 2-йил охирига келиб эса, ўтказилаётган терапияга қарамасдан биомаркер концентрацияси ортиб борди: 7732,66  $\pm$  5953,4 пг/мл  $\rightarrow$  8168,77  $\pm$  4812,01 пг/мл ( $p < 0,05$ ). Гис тутами тўлиқ қамали мавжуд бўлмаган беморларда эса (II гуруҳ), терапия фонида ушбу биомаркер концентрацияси тадқиқотнинг охирига қадар даврий равишда статистик ишончли тарзда пасайиб борди: 4122,59  $\pm$  2366,85 пг/мл  $\rightarrow$  2889,63  $\pm$  2663,65 пг/мл  $\rightarrow$  2026,1  $\pm$  1878,45 пг/мл (барча ўзгаришларда  $p < 0,05$ ) (6-жадвал).

Юрак ичи гемодинамик кўрсаткичларининг терапия фонида динамик ўзгариши

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (QRS $\geq$ 120 мс) n=52			II гуруҳ (QRS<120 мс) n=50		
	Дастлаб	1 йилдан сўнг	2 йилдан сўнг	Дастлаб	1 йилдан сўнг	2 йилдан сўнг
ОДЎ, мм	74,38 ± 7,63	73,26 ± 8,07	74,5 ± 9	69,29 ± 7,03	66,17 ± 6,99	65,28 ± 6,58
ОСЎ, мм	64,36 ± 7,97	64,17 ± 8,95	65,35 ± 9,75	59,39 ± 7,13	55,83 ± 7,35	55,13 ± 7,04
ОДХ, мл	301,52 ± 70,82	293,65 ± 73,65	305,86 ± 85,31	251,7 ± 57,59	230,11 ± 55,83	219,33 ± 49,52*
ОСХ, мл	219,27 ± 58,62	214,59 ± 66,62	230,19 ± 76,22*	179,88 ± 44,7	152,1 ± 44,87	146,17 ± 47,31*
ЧҚОФ, %	27,03 ± 4,64	27,7 ± 5,9	26,31 ± 5,72	28,74 ± 3,69	34,19 ± 5,84*	34,22 ± 6,99*
ЧБ, мм	45,7 ± 4,43	46,76 ± 4,75	47,65 ± 4,72	45,95 ± 4,35	44,15 ± 4,99	42,77 ± 4,15*
ҚАТ, мм	10,12 ± 1,1	10,04 ± 1,04	9,95 ± 1,06	10,05 ± 1,33	9,88 ± 1,02	9,93 ± 1,02
ЧҚОД, мм	10,1 ± 1,07	9,96 ± 0,99	9,88 ± 1,01	10,14 ± 1,32	9,95 ± 1,08	9,88 ± 1,09
ЧҚММ, гр	386,51 ± 91,48	362,07 ± 64,46	378,4 ± 84,23	343,47 ± 92	306,28 ± 72,3	294,49 ± 61,98*
ЎАЎБ, мм.сим.уст.	44,2 ± 9,34	43,02 ± 9,12	45,1 ± 6,59	37,51 ± 6,4	36,29 ± 7,3	34,5 [27; 40]

Изоҳ: \*-гуруҳлар ичида таққосланганда ишончли  $p < 0,05$ ;

ЭХОКГ натижаларига кўра оптимал медикаментоз терапия фонида тадқиқотнинг 1-йилида ҳар икки гуруҳда юрак ичи гемодинамик кўрсаткичларининг ижобий ўзгаришлари кузатилди. I гуруҳда юрак бўшлиқларининг хажмий кўрсаткичлари куйидагича ўзгарди: дастлабки кўрсаткичга таққосланганда ОДЎ 2% га ( $p > 0,05$ ), ОДХ 2,6%га ( $p > 0,05$ ), ОСХ 2,1% га ( $p > 0,05$ ) камайди, лекин ушбу ўзгаришлар статистик ишончли бўлмади, кузатувнинг 2-йили охирига келиб эса, олиб борилган даво

муолажаларига қарамасдан юрак ремоделланиши белгилари кучайиб борди: ОДХ 4%га ( $p>0,05$ ), ОСХ 6,7%га ( $p<0,05$ ), ЧБ ҳажми 4%га ( $p>0,05$ ) ортди, ЧҚОФ эса 5%га ( $p>0,05$ ) пасайди (7-жадвал). II гуруҳ беморларида эса оптимал медикаментоз терапия фонида тадқиқотнинг яқин ва узок муддатларида ҳам юрак ичи гемодинамик кўрсаткичларида статистик аҳамиятли ижобий ўзгаришлар кузатилди: 2-йил охирига келиб ОДЎ дастлабкига қараганда 5,7%га ( $p<0,05$ ), ОСЎ 7,2%га ( $p<0,05$ ), ОДХ 12,8%га ( $p<0,05$ ), ОСХ 18,6 %га ( $p<0,05$ ), ЧБ ҳажми 7%га ( $p<0,05$ ), ЧҚММ 14,3%га ( $p<0,05$ ) камайди, ЧҚОФ эса 16%га ( $p<0,05$ ) ортди (7-жадвал).

Шундай қилиб, СЮЕ нинг 4 компонентли оптимал медикаментоз терапияси Гис тутами тўлиқ қамали мавжуд бўлмаган ДҚМП билан оғриган беморларда клиник-функционал кўрсаткичларнинг ижобий динамикасига эришишга ёрдам беради, QRS давомийлиги 120 мсдан юқори бўлган беморларда эса юрак ишидаги механик диссинхрония узок муддат сақланиб турганлиги сабабли оптимал медикаментоз терапияга қарамасдан патологик ремоделланиш аста секин кучайиб боради.

Тадқиқотимиз навбатдаги вазифасига кўра, 76 нафар беморларнинг 2 йиллик кузатув давомидаги ҳаёт прогнози ўрганилди. ДҚМП билан оғриган беморларнинг яқин истиқболдаги ҳаёт прогнози натижалари шуни кўрсатдики, I гуруҳ беморларида умумий ўлим ҳолати 12 нафар (15,8%) беморда кузатилди: шундан кузатувнинг яқин муддатларида, юрак етишмовчилиги авж олиб бориши сабабли 2 нафар (2,6%), тўсатдан юрак ўлими сабабли 4 нафар (5,3%) бемор вафот этди. Тадқиқотнинг 2-йили охирига келиб эса, юрак етишмовчилиги авж олишидан 1 нафар (1,3%), тўсатдан юрак ўлими сабабли 5 нафар (6,6%) бемор вафот этди (8-жадвал).

#### 8-жадвал

Беморларнинг 2 йиллик кузатув давридаги ўлим структураси.


Ўлим сабаби	I гуруҳ (n=42)	II гуруҳ (n=34)	X <sup>2</sup>	p
Юрак етишмовчилиги авж олиши, N (%)	3 (3,9%)	2 (2,6%)	0,048	0,82
Тўсатдан юрак ўлими, N (%)	9 (11,8%)	2 (2,6%)	3,62	0,05
Бошқа сабаблардан ўлим	-	1 (1,3%)	1,235	0,26
Жами	12 (15,8%)	5 (6,6%)	2,053	0,15

Изоҳ: X<sup>2</sup>-мезон қиймати; p- ишончлилик даражаси;

II гуруҳ беморларида эса тадқиқот давомида ўлим ҳолати жами 5 нафар (6,6%) беморда кузатилди: тадқиқотнинг 1-йилида юрак етишмовчилиги авж олиши сабабли 1 ҳолатда (1,3%), тўсатдан юрак ўлими сабабли 1 бемор (1,3%) вафот этди, тадқиқотнинг 2-йилида ҳам 1 нафардан беморда тўсатдан юрак ўлими ва юрак етишмовчилиги авж олиши сабабли ўлим кузатилди, 1

ҳолатда бош мия қон айланиши ўткир бузилиши сабабли ўлим содир бўлди (8-жадвал).

2-расмда Каплан-Мейер бўйича беморларнинг яшаб қолиш кўрсаткичлари таҳлили кўрсатилган бўлиб, I гуруҳ беморларда 2 йиллик яшаб қолиш кўрсаткичи 71,4%ни (95% ИИ 19,624 дан 23,042 гача ), II гуруҳда эса 85,7%ни ташкил этди (95% ИИ 21,875 дан 23,890 гача ).



**2-расм.** ДКМП билан оғриган беморларнинг Каплан-Мейер бўйича 2 йиллик яшаб қолиш кўрсаткичи.

Тадқиқотимизда бирламчи якуний нуқта сифатида барча сабабларга кўра ўлим ва юрак етишмовчилиги декомпенсацияси сабабли йилига 2 мартадан ортиқ госпитализация ҳолатлари олинди. Ушбу нохуш оқибатларга боғлиқ бўлган клиник ва структур-функционал омилларни аниқлаш учун логистик регрессия таҳлили ўтказилди, унинг натижалари коэффицентлар қийматлари, уларнинг стандарт хато қийматларини ўз ичига олди. Унга кўра КХБШ, NTproBNP ва sST2 концентрациялари, QRS комплекси давомийлиги, ОДХмл, ОСХмл кўрсаткичлари билан касалликнинг нохуш оқибатлари юзага келиши ўртасида бевосита боғлиқлик аниқланди. Ушбу ўзгарувчиларнинг прогнозни башорат қилишдаги диагностик сифати ROC эгри чизиғи орқали баҳоланди.


КХБШ ўзгарувчисининг мусбат коэффиценти (0,58894) ўзгарувчи қиймати ошганида нохуш оқибат содир бўлиш эҳтимоли ортишини кўрсатди ( $P < 0,0001$ ). Бунда имкониятлар нисбати 1,8021 га тенг бўлиб, бу КХБШ қиймати бир бирликка ошганда салбий натижа эҳтимоли 80% га ортишини англатади. Ишончли интервал (1,3580–2,3914) бўлиши эса баҳолашнинг ишончилигини тасдиқлайди. Таклиф қилинаётган моделнинг касаллик нохуш оқибатларини прогнозлашдаги ишончилиқ даражаси ROC эгри чизиғи орқали аниқланди. Унга кўра эгри чизиқ остидаги майдон – AUC 0,781 (95% ИИ 0,680-0,862,  $P < 0,0001$ ) ташкил этди. КХБШ нинг бўсаға чегараси cut-off нуқтасида  $>7$  баллни ташкил этди, яъни КХБШ қийматининг аниқланган бўсаға чегарасидан юқори бўлиши касалликнинг нохуш оқибатлари ривожланиши хавфи юқорилигини билдиради (3-расм). Моделнинг сезувчанлиги ва спецификлиги мос раваишда 84,2% ва 62,0% ни ташкил этди.

Area under the ROC curve (AUC)

Area under the ROC curve (AUC)	0,781
Standard Error <sup>a</sup>	0,0509
95% Confidence interval <sup>b</sup>	0,680 to 0,862
z statistic	5,516
Significance level P (Area=0.5)	<0,0001

Youden index

Youden index J	0,4621
Associated criterion	>7
Sensitivity	84,21
Specificity	62,00



**3-расм.** КХБШ ўзгарувчисининг ноҳуш оқибатларни прогнозлашдаги имкониятини баҳоловчи ROC- эгри чизиғи.


